



«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«O'ZAGROLIZING» акциядолик жамияти
акциядорларининг 2021 йил 10 июндаги
йиллик умумий йиғилишининг
02/2021-сонли баёни қарори асосида**

**«O'ZAGROLIZING» АЖ
ХОМИЙЛИК (ҲАЙРИЯ) ЁКИ БЕҒАРАЗ ЁРДАМ КЎРСАТИШ
ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

М У Н Д А Р И Ж А:

1. Умумий қоидалар.....	3
2. Ҳомийлик фаолиятининг мақсади ва шакллари.....	4
3. Ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш учун сарфланадиган маблағлар ҳисоби ва шакллантириш манбалари.....	5
4. Ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш тартиби.....	5
5. Якуний қоидалар	6

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур «O'ZAGROLIZING» АЖнинг Ҳомийлик ёки беғараз ёрдам тўғрисидаги қарорни қабул қилиш Тартиби (бундан буён “Тартиб”) Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сонли қарори, Корпоратив бошқарув кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 11.02.2016 йилдаги 02-02/1-187-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган) ҳамда «O'ZAGROLIZING» АЖ (бундан буён - Жамият) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ҳомийлик фаолияти остида жамиятнинг беғараз ёки имтиёзли шартларда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга улар учун ишларни бажаришда, хизматларни кўрсатишда ва ҳомийлик мақсадларида бошқа ёрдам кўрсатишда мулкни, шу жумладан пул маблағларини ўтказишда ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдами (фаолият) тушунилади.

1.3. Бошқа шаклдаги тижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларга пул ва бошқа моддий маблағлар тақдим этиш, ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни қўллаб қувватлаш ҳомийлик ҳисобланмайди.

Сайлов олди ташвиқот ва референдумга қўйилган масалалар бўйича ташвиқотлар қилиш мақсадида ҳомийлик қилиш таъқиқланади.

Қабул қилинган ҳукумат қарорлари, тасдиқланган баённомалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари доирасида беғараз ҳомийлик ёрдами жамиятнинг молиявий имкониятлари ва жамият қабул қилган қарорлардан келиб чиқиб кўрсатилади (Кузатув кенгаши баённомаси, агар ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш тўғрисидаги қарор унинг ваколатига кирса).

1.4. Ҳомийлик фаолиятининг иштирокчилари жамият ёки ҳомийлик фаолиятини амалга оширувчи жамиятнинг ходимлари ҳамда ҳомийлик фаолияти амалга ошириладиган манфаатларда фуқаролар ва юридик шахслар: хайр-эҳсон қилувчилар, кўнгиллилар, бенефициарлар ҳисобланади.

1.4.1. **Хайр-эҳсон қилувчи шахслар** – ҳомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар;

1.4.2. **Кўнгиллилар** – бенефициар ёки ҳомийлик ташкилотлари манфаатлари учун беғараз хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш шаклида ҳомийлик қилувчи жисмоний шахслар.

1.4.3. **Бенефициарлар** – ҳомийлик олувчи юридик ва жисмоний шахслар.

2. ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

2.1. Ҳомийлик фаолиятининг мақсадлари:

2.1.1. Жамият имиджини ижтимоий-масъул жамият сифатида мустаҳкамлаш, жозибадорлиги ва шуҳратини ошириш;

2.1.2. Жамият ичида корпоратив имиджини мустаҳкамлаш, ходимларнинг корпоратив маданияти ва ижтимоий етуклигини ривожлантириш;

2.1.3. Коллективда гуруҳ руҳини ва самарали ички алоқаларни шакллантириш;

2.1.4. Ижтимоий-муҳим вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган жамиятнинг узоқ муддатли ижтимоий сиёсатини ривожлантириш.

2.2. Ҳомийлик ёрдами қуйидаги ижтимоий-муҳим вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган:

2.2.1. Фуқароларни ижтимоий муҳофазаси ва ҳимоя қилиш шу жумладан кам таъминланганларнинг моддий ҳолатини яхшилаш, ишсизлар, ногиронлар ва ўзининг жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари доирасида бошқа ҳолатларда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил амалга оширишга лаёқатсиз бўлган бошқа шахсларнинг ижтимоий тикланишини яхшилаш;

2.2.2. Табиий офатлар, экологик, саноат ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларининг олдини олишга аҳолини тайёрлаш, бахтсиз ҳодисаларни бартараф этиш;

2.2.3. Табиий офатлар, экологик, саноат ёки бошқа ҳалокатлар, ижтимоий, миллий, диний низолар натижасида жабр кўрганлар, репрессия қурбонлари, қочоқлар ва кўчиб келишга мажбур бўлганларга ёрдам кўрсатиш;

2.2.4. Халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва келишувни мустаҳкамлаш, ижтимоий, миллий, диний низоларни бартараф қилишга ёрдам кўрсатиш;

2.2.5. Жамиятда оила ўрни ва нуфузини мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш;

2.2.6. Болалик, оналик ва оталикни ҳимоя қилишга ёрдам кўрсатиш;

2.2.7. Таълим, илм, маданият, санъат, маънавият соҳаси, шахснинг руҳий ривожланиши фаолиятида ёрдам кўрсатиш;

2.2.8. Фуқаролар соғлиғини ҳимоя қилиш ва олдини олиш соҳасида, ҳамда соғлом ҳаёт тарзини тарғибот қилиш, фуқароларнинг руҳий-психологик ҳолатини яхшилашда ёрдам кўрсатиш;

2.2.9. Жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга ёрдам кўрсатиш;

2.2.10. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳайвонларни ҳимоя қилиш;

2.2.11. Тарихий, ибодат, маданий ёки табиатни муҳофаза қилиш вазифасидаги бинолар, объектлар ва ҳудудларни ҳамда мозорларни ҳимоя

қилиш.

2.3. Жамият қуйидаги шаклларда ҳомийлик ёрдамини кўрсатади:

2.3.1. Мулкни, шу жумладан пул маблағлари ва (ёки) интеллектуал мулк объектларини бирон кимсага холис (беғараз ёки имтиёзли шаклларда) ўтказиш;

2.3.2. Исталган объектга эгалик ҳуқуқига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини холис (беғараз ёки имтиёзли шаклларда) тақсимлаш;

2.3.3. Холис (беғараз ёки имтиёзли шаклларда) ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш.

2.4. Жамият Ўзбекистон республикаси қонуни томонидан ман этилмаган ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш шакллари ва мақсадларини мустақил равишда белгилайди.

3. ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИНИ КЎРСАТИШ УЧУН САРФЛАНАДИГАН МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИ ВА ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

3.1. Ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш қуйидагича амалга оширилади:

3.1.1. Ҳисобот даври учун ҳомийлик ва ҳомийлик мақсадларига жамият бизнес-режасида назарда тутилган ҳажмда жамият даромади ҳисобидан.

3.1.2. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ хайр-эҳсонларни жалб қилиш бўйича кампания ўтказиш йўли билан пул ёки натура кўринишидаги хайриялар ҳисобидан.

3.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлари ва жамиятнинг маҳаллий норматив актларига мувофиқ ҳомийлик ёрдамини амалга оширишга йўналтирилган маблағларни ҳисобга олиши лозим.

3.3. Ҳомийлик фаолияти учун маблағларни ишлатиш устидан назорат Жамият Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

3.4. Ҳомийлик фаолиятини кўрсатиш учун маблағларни сарфлаш тўғрисидаги маълумотлар жамиятнинг ижроия органи ҳисоботи таркибида жамиятнинг бошқарув органларига тақдим этилади:

- ҳар чоракда— Кузатув кенгашига
- ҳар йили – Акциядорлар умумий йиғилишига.

4. ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИНИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

4.1. Ҳомийлик фаолияти мазкур тартибга асосан жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан амалга оширилади.

4.2. Жамиятнинг ҳомийлик учун сарфланадиган йиллик харажатлари

қуйидагилардан ошмаслиги лозим:

- ўтган йилда олинган соф фойданинг 10 фоизидан ошмаган ҳолда ҳамда бу харажатлар жамият бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилган тақдирда амалга оширилади.

- жамият ривожланиш стратегиясида белгиланган акциядорларнинг умумий йиғилишида белгиланган меъёрлар доирасида.

4.3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 100 баробаригача бўлган миқдорда ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш тўғрисидаги қарор жамият Бошқаруви томонидан яқка тартибда қабул қилинади.

4.4. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 100 баробари ва ундан кўп миқдордаги ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.5. Ҳомийлик фаолияти жамият учун мажбурий эмас ва жамиятнинг молиявий имкониятлари чегарасида амалга оширилади.

4.6. Жамият ҳомийлик ёрдамини кўрсатишда рад этишни асослаш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди.

4.7. Ҳомийлик ёрдами жамиятнинг аввалги йил учун олинган соф фойдасининг 10 фоизидан ошган қисми мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришга ҳомийлик ва бошқа бегараз ёрдам учун Ўзбекистан Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига асосан йўналтириладиган маблағларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдоридан ортиқ қисми давлат улуши бўйича дивидендлар сифатида тан олинади, ушбу дивидендлар давлат бюджетига тўлашда ушлаб қолинади ҳамда бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича уларнинг молия-хўжалик фаолияти якунларини баҳолашда инобатга олинади.

5. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

5.1. Мазкур Тартиб жамиятнинг олий бошқарув органи – акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради.

5.2. Ушбу Тартибга зарурият туғилганда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати жамият Кузатув кенгашига берилади.